

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 206 (1267), 2024 йил 11 октябрь, жума



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news



yuz

ЖАҲОН СТАНДАРТИГА МОС ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИ
ДУНЁ БОЗОРЛАРИ САРИ МУҲИМ ҚАДАМ

Президент Шавкат Мирзиёев 10 октябрь куни техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги ишлар ва режалар билан танишди.

Мамлакатимизда ишлаб чиқариш ва экспорт салоҳиятини ошириш бўйича катта марралар белгиланган. Бунда техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш ва метрология масалалари муҳим аҳамиятга эга. Шу боис, Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил 27 февралдаги фармонида асосан, соҳадаги давлат бошқаруви такомиллаштирилди ҳамда янги вазифалар қўйилди.

Сўнгги йилларда 12 мингта стандарт тасдиқланган эди. Йил бошидан буён яна 1 минг 40 та халқаро стандарт қабул қилинди. Маҳсулот хавфсизлиги ва сифатини таъминлаш мақсадида 29 та техник регламент ишлаб чиқилди. Булар sanoat корхоналари ва тадбиркорларга етказилиб, сертифицикатлар олишига қўмаклашиляпти.

Мутасаддилар соҳада қилинган ишлар, йил якунигача ва кейинги йилга мўлжалланган режалар бўйича ахборот берди.

Давлатимиз раҳбари ташқи бозорларга чиқиш учун самарали техник тартибга солиш тизими шартлигини таъкидлаб, қўшимча вазифаларни белгилаб берди.

Бугунги кунда юртимиздаги 269 та лабораториядан атиги 64 тасида ўтказилган синовлар халқаро даражада тан олинади. Оқибатда тадбиркорлар маҳсулотларини экспортга олиб чиқишда қўшимча синовлар ўтказишга мажбур бўлмақда.

Шу боис, халқаро тан олинадиган лабораторияларни қўпайтириш, электр техникаси, қурилиш материаллари, машинасозлик каби соҳаларда 10 та янги лаборатория ташкил қилиш зарурлиги айтилди.

Ўзбекистон Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш йўлидан бормоқда. Техник тартибга солиш соҳасидаги қонунчиликни ушбу ташкилот талабларига мослаштириш муҳимлиги таъкидланди.

Бу йил 340 та миллий стандарт, 2025 йил якунигача яна 38 та регламент ишлаб чиқилади. 28 та техник қўмита, лабораториялар фаолиятини рақамлаштириш ҳам муҳим. Бунинг учун “Техник тартибга солиш” электрон платформаси ишга туширилади.

Соҳада сифат ва самарани таъминлаш учун замонавий билим ва кўникмаларга эга, халқаро стандартлар асосида ишлайдиган мутахассислар керак. Шу боис, соҳада кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш бўйича топшириқ берилди.

ЎЗА

ЎЗБЕКИСТОН — ТУРКМАНИСТОН: АЗАЛИЙ ДЎСТЛИК ВА
ЯХШИ ҚЎШНИЧИЛИК RIШТАЛАРИГА СОДИҚЛИК ТИМСОЛИ

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев 10 октябрь куни атоқли туркман мутафаккири, Шарқ мумтоз адабиётининг етук намояндаси, шоир ва маърифатпарвар Махтумқули Фироғий таваллудининг 300 йиллигига бағишланган тантанали тадбирларда иштирок этиш учун Туркменистонга ташриф буюрди.

Ушбу ташриф мамлакатларимиз чуқур тарихий илдизларга эга яхши қўшнчилик, ўзаро манфаатли ҳамкорлик ва маданиятлараро мулоқотни мустаҳкамлаш сиёсатига содиқлигини яна бир бор тасдиқлайди.

Ўзбекистон ва Туркменистон минтақадаги яқин қўшни ҳамда вақт синовидан ўтган ҳамкорлардир.

Давлатларимиз мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб яхши қўшнчилик, ўзаро хурмат ва тенглик тамойилларига асосланган самарали сиёсий мулоқотни йўлга қўйиш орқали ҳамкорликни фаоллаштириш йўлини белгилаб олди.

Туркменистон Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда ўзаро манфаатли ҳамкорлик ҳудудини яратиш,

минтақанинг халқаро майдондаги роли ва аҳамиятини оширишга қаратилган замонавий очиқ, конструктив ташқи сиёсатини ҳар томонлама қўллаб-қувватлайди. Минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик масалалар бўйича икки давлатнинг нуқтаи назари ва позициялари мос келади ёки ўхшашдир.

Давоми 2-бетда

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ
ТУРКМАНИСТОНГА ТАШРИФ БУЮРДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 10 октябрь куни амалий ташриф билан Ашхобод шахрига келди.

Давлатимиз раҳбарини аэропортда Туркменистон Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари Тангригули Атаҳаллиев ва бошқа расмий шахслар кутиб олди.

Асосий тадбирлар 11 октябрь куни бўлиб ўтади. Ўзбекистон етакчиси туркман шоири ва мутафаккири Махтумқули Фироғий таваллудининг

300 йиллигига бағишланган “Замон ва цивилизацияларнинг ўзаро боғлиқлиги — тинчлик ва тараққиёт асоси” халқаро форумининг ялпи мажлисида нутқ сўзлайди.

Давлатимиз раҳбари тадбир доирасида икки томонлама учрашувлар ҳам ўтказди.

ЎЗА

МЕНИНГ ТАНЛОВИМ — ОБОД ВАТАНИМ!

27 ОКТАБРЬ — ОЛИЙ МАЖЛИС
ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ
ВА МАҲАЛЛИЙ
КЕНГАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ
САЙЛОВИ КУНИ

Мазкур мақола Ўзбекистон Халқ демократик партиясига сайловолди ташвиқоти учун ажратилган бепул нашр майдони доирасида эълон қилинмоқда.

3-бетга қаранг.

Маҳалла —
ТАРАҚҚИЁТ БЕШИГИ

(Иккинчи мақола)

Маҳалла шунчаки ижтимоий институт эмас, балки асрлар давомида миллий қадриятлар, анъаналар ва ижтимоий тоғувликнинг бешиги бўлиб келган ўзига хос ўзини ўзи бошқариш шаклидир. Маҳалла доирасида ўзаро ёрдам, меҳр-шафқат, ижтимоий масъулият ва яхши қўшнчилик каби фундаментал тамойиллар вужудга келиб, ривожланади. Бу тамойиллар бутун мамлакатда ижтимоий алоқаларни янада ривожлантириш ва ижтимоий барқарорликни мустаҳкамлаш учун асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Президентимизнинг қайси маҳаллада иш тўғри ташкил этилиб, фуқаролар билан яқин ҳамкорлик ўрнатилса, ўша ерда ҳамжиҳатлик, меҳр-оқибат муҳити ҳукм суради, нохуш ҳолатларга йўл қўйилмайди, деган сўзлари маҳалла тизими ходимлари фаолиятида дастуруламалга айланган.

Ушбу фикр маҳалла институтини ривожлантириш ва мустаҳкамлашда иштирок этаётган барча маъмурий бошқарув идоралари ва фуқаролар билан фаол ҳамкорлик қилиш тизимида ўзаро ишонч муҳитини яратиш борасидаги ишларнинг мазмун-моҳиятини ифодалайди.

САМАРАЛИ ИСЛОҲОТЛАРНИНГ
АСОСИЙ ОМИЛЛАРИ

Янги Ўзбекистонни барпо этиш жадал тус олган ҳозирги даврда ушбу ўз ўзини бошқариш институти фаолияти самарасини оширишга йўналтирилган кенг қўламли ва пухта ўйланган инновациялар ҳаётга татбиқ этилмоқда. Ушбу соҳада мамлакатимизда муайян тажриба тўпланди ҳамда жараён тобора кенгайиб ва чуқурлашиб бормоқда. Мазкур жаҳондаги салмоқли натижаларнинг ўзига хос муҳим омиллари ва таянч манбалари бор, албатта.

Давоми 4-бетда

АРАЛАШ САЙЛОВ ТИЗИМИГА ЎТИШ
ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАРНИНГ
МУҲИМ БОСҚИЧИДИР

Ўзбекистонда парламент сайлови тизимини ислох қилиш доирасида аралаш сайлов тизимига ўтиш мамлакат демократик ривожланишининг янги босқичини англатади. Аралаш сайлов тизими халқ хоҳиш-иродасини тўлиқ акс эттириши, сиёсий партияларнинг ўз электорати билан муносабатларини кучайтириши ва парламентнинг халқ манфаатларига хизмат қиладиган янада самарали қонунчилик органига айланишида муҳим аҳамиятга эга. Хўш, аралаш сайлов тизими ўзи нима, унинг афзалликлари, мамлакатимизда демократик ислохотларни чуқурлаштиришдаги роли қандай?

Аралаш сайлов
тизими нима?

Аралаш сайлов тизими икки асосий сайлов тартиби — мажоритар ва пропорционал тизимларни ўз ичига олади.

Давоми 2-бетда

Мажоритар тизимда сайловчилар муайян номзодга овоз беради ва кўпчилик овозини олган шахс ғолиб бўлади. Ўзбекистонда шу кунгача ўтказилган сайловларда айнан мажоритар тизимдан фойдаланилган.

Инсон қадри учун

ҚЎРҚУВ ВА ХАВОТИРДАН
ИШОНЧ, АДОЛАТ
МАСКАНИГА АЙЛАНАЁТГАН
ЯНГИ СУД ТИЗИМИ

Мамлакатимизда суд тизимини янада такомиллаштириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоя қилинишини таъминлаш, аҳолининг одил судловдан фойдаланиш имкониятини кенгайтиришга қаратилган муҳим ислохотлар кечмоқда.

Жумладан, 2023 йил 25 декабрда қабул қилинган “Суд қарорларини қонунийлиги ва асослигини текшириш тартиби такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун билан суд қарорларини қайта кўриш соҳасида муҳим ўзгартиришлар амалга оширилди.

Жорий йил 1 январдан бошлаб туманлар, туман, шаҳар судлари

томонидан биринчи инстанция судида кўрилган ишлар вилоят судларида ва уларга тенглаштирилган судларда апелляция ёки кассация тартибида, вилоят судлари ва уларга тенглаштирилган судлар томонидан апелляция ёки кассация тартибида кўрилган ишлар мазкур судларда тафтиш тартибида кўриб чиқилмоқда.

Давоми 5-бетда



Ўзбекистон — Туркменистон: АЗАЛИЙ ДЎСТЛИК ВА ЯХШИ ҚЎШНИЧИЛИК РИШТАЛАРИГА СОДИҚЛИК ТИМСОЛИ

Бошланиши 1-бетда

Икки давлат раҳбарларининг сиёсий иродаси туфайли кейинги йилларда давлатлараро муносабатлар сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилди.

2017 йил икки давлат ўртасидаги алоқаларни ривожлантиришда тарихий палла бўлди. Ўзбекистон Президентининг Туркменистонга уч марта ташрифи, жумладан, 6-7 март кунлари давлат ташрифи амалга оширилди. Бу давлатимиз раҳбарининг олий лавозимга сайланганидан кейинги илк расмий хорижий сафаридир. Ушбу чуқур рамзий қадам икки томонлама муносабатларни янги босқичга олиб чиқди ҳамда уларга динамик ва кенг қамровли тус берди.

2022 йилда икки давлат раҳбарлари ўзаро расмий ташрифларни, 2023 йилда эса кўп томонлама ҳамкорлик доирасида амалий ташрифлар билан алмашдилар. Ушбу учрашувлар, шубҳасиз, Марказий Осиёдаги умумий минтақамизда узоқ муддатли барқарор шериклик, тинчлик ва яхши қўшничиликни ривожлантириш ва кенгайтиришда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Юқори даражадаги ҳамкорлик ҳам изчил ривож топмоқда. Парламентларо ва идоралараро алоқалар ҳам икки томонлама, ҳам кўп томонлама шаклларда мустаҳкамланиб бораётир.

Бугунги кунда 314 та икки томонлама, жумладан, давлатлараро, ҳукуматлараро



ва идоралараро ҳужжатлардан иборат ҳуқуқий база шакллانган.

Шунингдек, Туркменистон Ўзбекистоннинг муҳим савдо шерикларидан бири ҳисобланади. 2023 йил якунига қўра, ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 1 миллиард доллардан ошди, жорий йил январь-август ойларида ушбу кўрсаткич қарийб 520 миллион долларга етди.

Минтақаларо ва трансчегаравий ҳамкорлик икки томонлама ҳамкорлиكنинг муҳим йўналиши ҳисобланади. Бухоро ва Хоразм ҳамда Туркменистоннинг Лебап ва Дашоғуз вилоятлари ўртасида самарали алоқалар ўрнатилди. Томонлар жорий йил ноябрь ойида Туркменистоннинг Лебап ва Дашоғуз вилоятлари ўртасида самарали алоқалар ўрнатилди. Томонлар жорий йил ноябрь ойида Туркменистоннинг Лебап ва Дашоғуз вилоятлари ўртасида самарали алоқалар ўрнатилди. Томонлар жорий йил ноябрь ойида Туркменистоннинг Лебап ва Дашоғуз вилоятлари ўртасида самарали алоқалар ўрнатилди.

Икки давлат минтақада йирик энергетика лойиҳаларини амалга оширишда фаол иштирок этмоқда. Транспорт соҳаси ҳам муносабатларнинг устувор йўналишларидан бири саналади. Мамлакатларимизнинг ўзаро интеграциялашган автомобиль ва темир йўллари учинчи давлатлар учун транзит вазифасини ўтайди.

Ўзбек ва туркман халқларини бир-бирига боғлаб турадиган тарих, маданият ва урф-одатлар халқларимизнинг умумий мулкига айланган. Бу яқинлик маданий-гуманитар ришталарни ривожлантириш учун мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон ва Туркменистон вакиллари икки давлат ҳудудларида ўтказилаётган турли маданий тадбирлар, концертлар, фестивал ва танловлар, спорт мусобақаларида доимий тарзда иштирок этади.

Фироғий номи берилди ва унинг шарафига ёдгорлик ўрнатилди. Туркменистон Президентининг Ўзбекистонга ташрифи муносабати билан пойтахтимизда Ашхобод боғи фаолияти йўлга қўйилди. Хивада барпо этилган Махтумқули ёдгорлик мажмуаси ҳам унинг ижоди муҳлисларини ўзига тортадиган масканга айланган.

Жорий йил февраль ойида Ўзбекистон Президентининг мамлакатимизда шоир таваллудининг 300 йиллигини муносиб нишонлаш тўғрисидаги қарори қабул қилинган. Ўзбек халқининг Махтумқули Фироғийга, унинг шахсияти мисолида эса қардош туркман халқига ҳурмат-эҳтиромининг ёрқин ифодаси бўлди. Хужжатда Махтумқули Фироғийнинг “Танланган асарлари”ни ҳамда унинг ҳаёти ва ижодида бағишланган илмий мақолалар тўпламини чоп этишга тайёрлаш ва нашр этиш, унинг ҳаёти ва ижоди ҳақида спектакль сахналаштириш, ўзбек-туркман кино усталари ҳамкорлигида Махтумқули Фироғийга бағишланган бадиий фильм яратиш кўзда тутилган.

Муҳтасар айтганда, Президент Шавкат Мирзиёевнинг атоқли туркман шоири ва мутафаккири таваллудининг 300 йиллиги ҳақида бағишланган тадбирларда иштирок этиш қардош туркман халқининг маданияти ҳамда меросига юксак ҳурмат ва эҳтиром кўрсатилишини яна бир бор тасдиқлайди ва албатта, мамлакатларимиз ўртасидаги азалий дўстлик ва яхши қўшничилик ришталарини янада мустаҳкамлашга муҳим ҳисса қўшади.

“Дунё” АА

АРАЛАШ САЙЛОВ ТИЗИМИГА ЎТИШ ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАРНИНГ МУҲИМ БОСҚИЧИДИР



**Самандар ИСМОИЛОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси ҳузуридаги
Парламент тадқиқотлари
институтини бош илмий ходими**

Бошланиши 1-бетда

Бунда сайловчилар номзодларни бевосита қўллаб-қувватлаб, ҳар бир сайлов округида фақат энг кўп овоз олган шахс сайланиб келган. Пропорционал тизим эса партиявий сайловга асосланади. Сайловчилар муайян партиянинг номзодлар рўйхатиغا овоз беради ва депутатлик ўринлари партияларнинг овоз улуши асосида тақсимланади.

Ўзбекистоннинг янги сайлов тизими аралаш тартибда бўлиб, парламентнинг ярим қисми мажоритар, қолгани эса пропорционал тизим асосида сайланади. Бунда 75 депутат бевосита сайловчилар томонидан номзодлар орасидан танланса, қолган 75 нафари партиялар рўйхати орқали сайланади. Бу ёндашув демократик тизимни янада кенгайтириб, сайловчиларга икки хил — индивидуал номзод ва партиявий танлов имкониятини яратяди.

Бу тизимнинг афзалликлари қандай?

Аралаш сайлов тизимининг асосий афзалликларида бири шундаки, у сайловчиларнинг фикр ва хоҳишларини тўлиқ акс эттиради. Зеро, мажоритар тизим сайловчиларга ўз округидаги номзодга бевосита овоз бериш имконини беради, бу эса номзоднинг ўз округидаги аҳоли билан бевосита алоқада бўлиши ва уларнинг эҳтиёжларини билишини талаб қилади. Шу билан бирга, пропорционал тизим партияларнинг умумий дастури

ва мақсадларига овоз бериш имконини яратяди, натижада фуқаролар сиёсий партия дастурларини баҳолаш орқали танлов қилиши мумкин бўлади.

Бу жараён икки йўналишда ишлайди: бир томондан, сайловчилар ўз шахсий вакилини танлаш орқали маҳаллий даражадаги муаммоларни ечишга имконият яратяди. Бошқа томондан, партиявий танлов орқали мамлакатнинг умумий сиёсий ривожланиш йўналишини белгилашда иштирок этади.

Аралаш сайлов тизими сиёсий рақобат ва партиялар ўртасидаги курашни кучайтиради. Мажоритар тизимда ҳар бир номзод ўз сайлов округида ғолиб бўлиш учун сайловчилар билан яқиндан ишлашга мажбур бўлса, пропорционал тизимда партиялар ўз электоратига аниқ дастурлар ва таклифлар орқали мурожаат қилишга интилади. Партиялар фақатгина халқни ўз дастурига ишонтириб, кўпроқ овоз олишга эришиши мумкин бўлади.

“Аралаш тизимда партиялар ва депутатлар ўртасидаги боғлиқлик мустаҳкамланади. Пропорционал тизимда сайланган депутатлар ўз партиялари олдида кўпроқ масъулият ҳис қилади ва партиянинг Сайловолди дастури асосида ишлашга мажбур бўлади. Бу жараён депутатларнинг сайловчилар билан бевосита боғланишини ҳам таъминлайди, чунки ҳар бир депутат ваколат муддати давомида ўз партияси ва электорати олдида ҳисобдор бўлади.”

Сайлов тизимининг аралаш бўлиши парламентда турли сиёсий кучлар вакилик қилишига йўл очади, бу эса сиёсий барқарорликни таъминлайди. Чунки парламентда бир неча партия вакиллари иштирок этиши сиёсий мувозанатни сақлашни осонлаштиради. Шу жиҳатдан кўппартиявийлик фуқароларнинг турли сиёсий қарашларини акс эттиради, бу эса парламентда халқ манфаатларининг кўпроқ эътиборга олинishi учун имконият яратяди.

Аралаш сайлов тизими сиёсий партияларнинг роли ва аҳамиятини оширади. Бунда партиялар электоратнинг ишончини қозониш учун ўз дастурларини такомиллаштириш ва халққа яқинроқ бўлишга интилади. Ўзбекистон таърибиде ҳақим Сайловолди дастури асосида ҳам сиёсий партиялар жамиятда ўз мавқеини мустаҳкамлаш учун янада фаол ишлаши лозим бўлади. Сайловчиларнинг фақат номзодларни эмас, балки партияларни қўллаб-қувватлаш имконияти уларнинг партия фаолиятига қизиқишини

кучайтиради. Шу билан бирга, фуқароларнинг сиёсий иштироки фаоллашиб, сайлов кампаниялари орқали жамиятнинг сиёсий онги юксалади.

Аралаш тизимда партиялар ва депутатлар ўртасидаги боғлиқлик мустаҳкамланади. Пропорционал тизимда сайланган депутатлар ўз партиялари олдида кўпроқ масъулият ҳис қилади ва партиянинг Сайловолди дастури асосида ишлашга мажбур бўлади. Бу жараён депутатларнинг сайловчилар билан бевосита боғланишини ҳам таъминлайди, чунки ҳар бир депутат ваколат муддати давомида ўз партияси ва электорати олдида ҳисобдор бўлади.

Аралаш сайлов тизимининг яна бир муҳим жиҳати қонун ижодкорлиги самардорлигини оширишдир. Пропорционал тизим орқали сайланган депутатлар партиялар томонидан ўз дастурларига асосланган равишда ишлаб чиқилган қонун лойиҳалари устида фаолият юрятади. Бу

эсан. Шунингдек, Сингапур, Венесуэла, Венгрия, Россия ва Қозғистон каби давлатлар аралаш сайлов тизимига ўтиш орқали сиёсий рақобатни кучайтириб, давлат бошқарувида кўппартиявийликни мустаҳкамлашга эришган. Ўзбекистонда ҳам ушбу тизимни жорий қилиш орқали сиёсий жараёнларда фуқароларнинг иштироки ва берган овозининг самардорлиги оширилади.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистоннинг парламент сайловида аралаш тизимга ўтиши сиёсий ислохотлар йўлида муҳим қадам бўлди. Бу тизим халқ овозини тўлиқ акс эттиради, сиёсий партиялар ўртасида рақобатни оширади, сиёсий рақобатнинг таъминлашга олиб келади.

Бундан ташқари, аралаш тизим фуқароларнинг сиёсий онги ва фаоллигини оширади, улар нафақат номзодларни, балки уларнинг ортидаги партия ва дастурларни синчиклаб ўрганади. Бу эса давлат ва жамият ўртасидаги боғлиқликни кучайтириб, фуқароларни сиёсий жараёнларда фаолроқ иштирок этишга ундайди. Аралаш сайлов тизимига ўтиш натижада сиёсий жараёнлар шаффофлашади, сиёсий рақобат ошад ва бу, ўз навбатида, Ўзбекистоннинг демократик ривожланиши ва барқарорлигини таъминлашда муҳим роль ўйнайди.

Умуман олганда, Ўзбекистоннинг аралаш сайлов тизимига ўтиши демократик тамойилларни мустаҳкамлаш, сайловчилар ҳуқуқларини кенгайтириш ва сиёсий ҳаётни фаоллаштириш сари қўйилган катта қадамдир. Бу жараён халқро таърибга асослаб, Ўзбекистонда замонавий, шаффоф ва самарали сиёсий бошқарув тизимини шакллантиришга хизмат қилади.



“Аралаш тизимда партиялар ва депутатлар ўртасидаги боғлиқлик мустаҳкамланади. Пропорционал тизимда сайланган депутатлар ўз партиялари олдида кўпроқ масъулият ҳис қилади ва партиянинг Сайловолди дастури асосида ишлашга мажбур бўлади. Бу жараён депутатларнинг сайловчилар билан бевосита боғланишини ҳам таъминлайди, чунки ҳар бир депутат ваколат муддати давомида ўз партияси ва электорати олдида ҳисобдор бўлади.”

Аралаш сайлов тизими парламент таркибиде хилма-хил сиёсий қарашлар ва манфаатларни акс эттирувчи партиялар вакиллари билан жойлаштириш орқали жамиятнинг турли қатламларини қамраб олади. Бу жараён демократиянинг муҳим унсuri бўлган сиёсий плюрализмни ривожлантириб, фуқароларнинг давлат бошқарувида бевосита иштирок этишини кучайтиради. Сиёсий рақобатнинг ошиши эса давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш, партияларнинг ўз дастурларини рўёбга чиқаришдаги масъулиятини ошириш ва халқ манфаати учун янада самарали ишлашга олиб келади.

Бундан ташқари, аралаш тизим фуқароларнинг сиёсий онги ва фаоллигини оширади, улар нафақат номзодларни, балки уларнинг ортидаги партия ва дастурларни синчиклаб ўрганади. Бу эса давлат ва жамият ўртасидаги боғлиқликни кучайтириб, фуқароларни сиёсий жараёнларда фаолроқ иштирок этишга ундайди. Аралаш сайлов тизимига ўтиш натижада сиёсий жараёнлар шаффофлашади, сиёсий рақобат ошад ва бу, ўз навбатида, Ўзбекистоннинг демократик ривожланиши ва барқарорлигини таъминлашда муҳим роль ўйнайди.

Умуман олганда, Ўзбекистоннинг аралаш сайлов тизимига ўтиши демократик тамойилларни мустаҳкамлаш, сайловчилар ҳуқуқларини кенгайтириш ва сиёсий ҳаётни фаоллаштириш сари қўйилган катта қадамдир. Бу жараён халқро таърибга асослаб, Ўзбекистонда замонавий, шаффоф ва самарали сиёсий бошқарув тизимини шакллантиришга хизмат қилади.

Мулоҳаза ЖУРНАЛИСТИКАДА ЖАНРЛАР АҲАМИЯТИ



**Холмурод САЛИМОВ,
Ўзбекистон Журналистлар
уюшмаси раиси в.б.**

Соҳа олимлари жанрлар журналиста ўз материалига мос кўринишни танлаш, воқеаларни муайян шаклда кўрсатиб бериш учун зарурлигини таъкидлайди. Улар ҳар бир жанр муайян ахборий вазифанинг ечимини топиш учун қўлланилиши, жанрлар бўйича ихтисослашиш ҳам мумкинлиги ҳусусида фикрлар билдирган.

Бугунги кунга келиб босма оммавий ахборот воситаларида эълон қилинаётган материаллар орасида эссе, очерк,

Энди тили чиқаётган болага сўзларни қандай талаффуз қилишни ўргатиш қанчалик муҳим бўлса, медиа соҳасига кириб келаётган ёшларга миллий журналистикамиз жанрлари ҳақида тушунча ва маълумотлар бериш ҳам шунчалик аҳамиятли.

фелъетон, журналистик суриштирув каби жанрларда ёзилган ижодий ишлар камайиб кетмоқда. Бунинг сабаблари эса миллий медиа майдонимизда тенденциялар ўзгариши, турли журналистик жанрларда материаллар тайёрлайдиган ижодкорлар камайиб бораётгани, қолаверса, журналистика касбини танлаган баъзи ижодкорларимизда бу борада билим, малака ва маҳорат етишмаслиги эканини кўриш мумкин.

Айни ҳолат миллий журналистикамиз ривожига, ранг-баранглигига соя солади. Ҳўш, нима қилиш керак? Шулар ҳақида ўйлар эканман, кўп нарса ўзимизга боғлиқ экани ҳаёлимдан ўтди. Назаримда, фурсатни бой бермасдан, журналистиканинг турли жанрларида ўқишли материаллар ёза оладиган устозлар ҳаётлигида “устоз-шоғирд” аънаъаси асосида бу борада уларнинг таърибларини ёшларимизга ўргатиш, шу йўл билан ёшларнинг қизиқишини ошириш бўйича қатор ишларни амалга оширишимиз зарур ва муҳим. Ана шу ишлар доирасида устоз журналистлар, “Олтин қалам” танлови ғолиб ва совриндорларининг турли жанрларда маҳорат билан ёзилган энг сара материалларидан намуналар йиғиб, китоб ҳолида чоп этиш гоъси тўғрлиди.

Президентининг 2022 йил 27 июндаги “Оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш ва журналистика соҳасини ривожлантириш чора-тадбирлари

тўғрисида”ги қарори билан тасдиқланган дастур ижроси доирасида тахририятларда, Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси ва унинг ҳудудий бўлиmlарида таниқли журналистларнинг медиа соҳасининг бўлажак вакиллари учун “Маҳорат мактаблари”, “Ёш журналистлар” тўғрақлари ташкил этилди. Ушбу тўплам мазкур мактаб ва тўғрақларда таълим олаётган ёшлар учун ҳам зарур қўланма бўлади деб ўйлайман.

Янги Ўзбекистоннинг янги журналистикасини яратиш бўйича иш олиб борар эканмиз, бу жараёнда журналистиканинг асоси ҳисобланмиш босма ОАВни ривожлантирмай, газета ва журналларимизда ранг-барангликни таъминламай туриб мақсадга — миллий журналистикамиз раванкига эришиб бўлмайди.

Бугун мамлакатимизда юз бераётган ислохотларни, воқеа-ҳодисаларни, ўзгариш ва янгиланишларни тезкор, ҳолис-ҳаққоний, адолатли ёритиш оммавий ахборот воситалари ходимлари зиммасига катта масъулият юклайди. Бу жараёнда журналистика жанрларидан самарали фойдаланиш аҳамиятли.

Журналистикада ижодий услубга эга бўлиш, доимий равишда касбий маҳоратни ўстириш муҳим саналади. “Олтин қаламли журналистлар” номи остида чоп этилаётган ушбу тўплам медиа соҳасини танлаганлар, умуман, ижодкорларга бу борада зарур манба-қўланма сифатида хизмат қилади, деган умиддамиз.

ИЖТИМОЙ ДАВЛАТГА САМАРАЛИ ИЖТИМОЙ СИЁСАТ ОРҚАЛИ ЭРИШАМИЗ!

O'zbekiston

XDP

Xalq demokratik partiyasi

Кучли ижтимоий сиёсат — Халқ демократик партиясининг бош ғояси саналади. Айни йўналишда қутилган натижага эришиш учун “Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун”, деган тамойилда сиёсат олиб бориш талаб этилади. Янги таҳрирдаги Конституциямизга кўра, Ўзбекистон — ижтимоий давлатдир. Бу, энг аввало, инсон салоҳиятини рўёбга чиқариш учун тенг имкониятлар, одамлар муносиб ҳаёт кечирishiга зарур шароитлар яратиш, камбағалликни қисқартириш демокдир. Халқ демократик партиясининг бош дастурий мақсадлари, ижтимоий соҳани ривожлантиришга қаратилган энг муҳим ғоялари ана шу таърифда мужассамлашган, десак тўғри бўлади.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар динамикасига мос равишда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, самарали ижтимоий сиёсат юртишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Сайловдн дастуриимизда **ижтимоий тенглик ва халқ демократияси мезонларига мос келадиган давлат барпо этиш** мақсад қилиниб, ушбу йўналишда бир қатор ташаббуслар ўрин олган. Партиямиз ҳар бир шахснинг Конституция билан қафолатланган ижтимоий ҳуқуқларини адолатли ва самарали амалга оширилишини таъминлаш учун ҳаракат қилмоқда.

ДАВЛАТ ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Партиямиз асосий ғоя ва мақсадларига мос тарзда барча фуқаролар учун пенсия ва ижтимоий нафақалар инсоннинг ҳаётий эҳтиёжларини тўлақонли қондиришга етарли бўлишига эришишга алоҳида эътибор қаратади. Бу борада пенсионерлар ҳаёти билан боғлиқ масалалар бирламчи аҳамият касб этади.

Глобал миқёсда, Ўзбекистонда ҳам узоқ умр кўриш кўрсаткичлари ошиб бормоқда. Мазкур тенденция, бир томондан, Барқарор ривожланиш мақсадларига эришилаётганидан далолат берса, иккинчи томондан, кекса авлод вакилларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича зарурат кучаяди.

Биз пенсия тизимини янгиликка айлантириш ва ўзгаришлар тарафдоримиз. Пенсия ҳамда ижтимоий нафақалар инсоннинг ҳаётий эҳтиёжларига етарли бўлиши керак. Бизда пенсиянинг ижтимоий жиҳатдан муносиб даражасига эришиш бўйича қилинадиган ишлар кўп.

Нима учун давлат пенсия таъминоти тизимини қайта ислох қилиш зарур, деган ғояни илгари сурмоқдамиз?

Янгилашган Конституциямизнинг 46-моддасига кўра, ҳар ким қариганда, меҳнат қобилиятини йўқотганда, ишсизликда, шунингдек, боқувчисини йўқотганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот ҳуқуқига эга.

Бу борада партия пенсия жамғармасининг фаолиятини замонга мослаштириш ва адолатли пенсия тизимини яратиш зарур, деган қатъий фикрда. Бу тизим шаффоф ишлаши долзарб аҳамиятга эга.

Ўзбекистонда касбий пенсия режалари мавжуд эмаслиги, фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақлари учун бадал ставкаси пастлиги, фуқаролар ўз жамғармаларини ихтиёрли равишда бошқа молиявий инструментларга йўналтириш ҳуқуқига эга эмаслиги ҳам эътибор қаратиш керак бўлган масалалардан саналади.

Бу борада Халқ демократик партияси фуқароларга шахсий жамғариб бориладиган пенсия маблағларини бошқариш, уларни доимий равишда онлайн кузатиш имкониятини бериш таклифини илгари сурмоқда.

Меҳнат фаолияти маҳсулидан даромад ва ижтимоий солиқларни тўлаган пенсионерларнинг муқаддам тайинланган пенсиясини қайта ҳисоблаган ҳолда оширилган миқдорда тайинлаш мақбул ечимдир.

Энг муҳим жиҳатлардан бири — Халқ демократик партияси мамлакатимизда

пенсия ёшини оширмаслик керак, деган позицияда қатъий туради.

ЁШГА МОС ТАЪЛИМ

Партиямизнинг асосий ғоялари замирида таълим билан боғлиқ масалалар муҳим ўрин тутати. Келажакни билимли, зукко ва ақли мутахассислар, малакали кадрларсиз тасаввур этиш қийин. Шу сабабдан дастурда **тезлаштирилган таълим ғояси** ҳам илгари сурилмоқда.

Гап ҳаётга бошқача нигоҳ билан қараб, онгу шуруни ўстираётган, атрофни, оламни, унинг билимларини ўрганишнинг дастлабки босқичида турган болалар ҳақида кетганда, бунга ниҳоятда жиддий кўз билан қараш талаб этилади.

Масалан, маълум сабабларга кўра, биринчи синфга кеч борган болаларнинг кейинчалик ўз тенгдошлари сафига қўшилиб, улар билан тенгма-тенг билим олиши жажжи ўқувчиларнинг ўзига ишончини оширади. Ўзи тенги болалар билан бир синфда ўқиш, улар билан елкама-елка туриш орқали бола ўзини айро ҳис қилмайди, “нега мен ўз тенгдошларимдан ортда қолишим керак”, деган фикрлар кўнглини ўкситмайди.

Биринчи синфга кеч борган болаларга тезлаштирилган таълим бериш ва ўзининг ёшига мос юқори синфга ўтказиш тартибини жорий этиш ташаббуси уларнинг интеллектуал, ижтимоий ва эмоционал ривожланиши учун қўлай муҳит яратиш зарурлиги билан асосланади.

Хорижий давлатларда тезлаштирилган таълим асосида иқтидорли болаларни юқори синфларга ўтказиш амалиёти кенг тарқалган. Бундай ўқувчиларни қўллаб-қувватлашга қаратилган махсус дастурлар, шу жумладан, мослаштирилган ўқув дастурлари, малака ошириш курслари ва мослаштирилган ўқув материаллари мавжуд.

Халқ демократик партияси фикрича, **ушбу ёндашув ўқув жараёнининг ҳар бир ўқувчи эҳтиёжлари ва хусусиятларига мос келишини таъминлашга имкон беради**. Бу эса уларнинг таълим натижаларини яхшилашга ва ўқув жараёни самарадорлиги ошишига олиб келади.

Шундан келиб чиқиб, Халқ демократик партияси биринчи синфга кеч борган болалар учун тезлаштирилган таълим бериш ва ўзининг ёшига мос юқори синфга ўтказиш тартибини жорий этиш таклифини илгари сурмоқда. Бу ҳар бир боланинг ақлий ва руҳий ривожланиши учун керак. Шу нуқтаи назардан, боланинг еши у билимини ўрганиши учун аҳамиятли. Демак, бола ўз тенгдошлари билан таълим олиши, улардан ортда қолмаслиги керак. Шунинг учун биз **тезлаштирилган таълим бериш методларини амалиётга кенг татбиқ этишимиз лозим**.

ЗАМОНАВИЙ КАДРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ БОРАСИДАГИ ЯНГИ ОДИМЛАР

Глобаллашув ва жаҳон интеграцияси натижасида бугун хорижий тилларни мукамал билиш, IT дастурларини ўзлаштириш замонавий инсон ҳаётида ва иш фаолиятида муҳим ўрин тутмоқда. Ўзбекистоннинг халқаро ҳамкорлик алоқалари кун сайин кенгайиб бориши чет тилларни мукамал

Ижтимоий ҳимоя манзилли ва шаффоф бўлса, жамиятда фаоллик, ишонч, барқарорлик кучаяди.

биладиган кадрларга эҳтиёжни оширмоқда. Яқин истиқболда халқаро бизнес алоқалари ва туризм ривожланиши қўллаб имкониятларни очиб беради.

Дастурлаш соҳаси ҳам шундай, яъни бугунги кунда энг талабгир соҳалардан бири. Чунки ҳеч биримиз ахборот-коммуникация технологияларисиз ҳаётимизни тасаввур қила олмаймиз.

Таъкидлаш лозимки, замонавий меҳнат бозоридаги рақобатдошликнинг муҳим шарти бўлган мазкур соҳа бўйича ёшлари-мизнинг билим ва қўникмаларини шакллантириш долзарб вазифа ҳисобланади. Шундан келиб чиқиб, Халқ демократик партияси **мактабларда чет тиллар ва IT ўқув соатларини кескин кўпайтириш** масаласини



илгари сурмоқда. Чунки хорижий тилларни биламаслик ва уларда сўзлаша олмаклик, IT йўналишини яхши ўзлаштирмаслик ёшларнинг кўп имкониятлардан фойдаланиш даражасини чеклайди.

Дастурлаш шунчаки код ёзиш эмас, балки сунъий идрок ёрдамида ақлни чархлаш ҳамдир. Бу ёшларимизга алгоритмлаш, манتيкий фикрлашни ҳам ўргатади. Бу технология юқуқлар орқали жамиятга ҳисса қўйиш демокдир. Колаверса, йилдан йилга сунъий идрок янада ривожлантириш, кўп соҳаларга сунъий интеллект кириб келмоқда. Тамадун тараққиётининг ушбу закиригини таълим жараёнида инобатга олиш давр талаби.

Бунинг учун, албатта, мавзуларни чуқурроқ тушуниш, қўникмаларни ошириш ушбу мактабларда назарий билим ва амалий машғулотларни ўз ичига олган ўқув соатларни, дарсларни кўпайтириш керак.

Яна бир муҳим томони бор. Мактаблар ўқув дастурларида чет тиллар ва IT бўйича ўқув соатларини кескин кўпайтириш орқали биз **мактаб битирувчиларининг меҳнат бозоридаги рақобатбардошлигини оширишимиз аниқ**.

Таълим ва ислохотларнинг узвийлиги, таълим ва янги технологияларнинг боғлангани, ўз навбатида, ишсизликка қарши энг самарали чорадир.

Шу ўринда Миллий тикланиш демократик партияси ўз дастурида **мактабга-ча ва бошланғич таълимда компьютер саводхонлигига оид машғулотлар ўтказилмаслиги таклифи билан** чиқаётгани бизни ажаблантирмоқда. Замонавий ахборот технологиялари ҳаётимизнинг ҳар бир жабҳасига фаол кириб келаётган ва келажак касблари қаторида кўрилаётган IT соҳасини ёшларимиз ўрганишга интилаётган, ота-оналар ҳам ўз фарзандларини имкон қадар ёшлигиданоқ ушбу соҳани чуқур ўзлаштириши учун қўшимча курсларга бераётган бир вақтда рақибимизнинг ўта консерватив ушбу ғояси бугунги замон билан ҳамнафас эмаслиги аён бўлмоқда.

Бугунги кунда **инклюзив таълимни ривожлантириш** ва таълим жараёнини халқаро стандартларга мувофиқлаштириш партиямизнинг таълим соҳасидаги узоқ муддатли мақсадларидан биридир.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси олий таълим тизимини ислох қилиш йўналишида ҳам қатор илгор таклифларни илгари сурмоқда.

Хусусан, бизнинг олий таълим муассасаларида таълим ваучери тизимини жорий этиш тўғрисидаги ташаббусимиз таълим тизимини янада такомиллаштиришга хизмат қилади.

Биринчидан, ваучерлар талабаларга ўз хоҳиш-истаклари ва эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда таълим муассасаларини танлаш имконини беради ва шу орқали сифатли таълим олиш имкониятини оширади.

Иккинчидан, олий таълим муассасалари ўртасидаги рақобатнинг қулайлиши таълим хизматлари сифатини оширишда муҳим рағбат бўлади. Уларни, талабаларни кўпроқ жалб этиш мақсадида ўз дастурларини такомиллаштириш, замонавий ўқитиш услуб ва технологияларини жорий этиш, инфратузилмани ривожлантиришга ундайди.

Учинчидан, таълим ваучери тизими талабаларнинг индивидуал эҳтиёжлари ва манфаатларини ҳисобга олиш имконини беради. Ҳар бир талаба ўз билимига ўзи хоҳлаганча сармоя кирита олади, бу эса келажакда янада малакали ва рақобатбардош кадрлар тайёрлашнинг калитидир.

Шундай қилиб, таълим ваучерларининг жорий этилиши талабалар эҳтиёжлари ва бутун жамият эҳтиёжларига йўналтирил-

ган янада мослашувчан ва самарали олий таълим тизимини яратиш йўлидаги муҳим қадамдир.

Таълим ва тараққиёт қадимдан ёнма-ён юради, иккаласи бир-бирига хизмат қилувчи драйвер. Таълим соҳасида ҳозиргача рўй берган ўзгаришлар улкан меҳнат, катта эътибор ортидан келмоқда. Ҳали олдинда вазифа кўп. Қўзланган марраларга эришилган мамлакатимизнинг илмий ва кадрлар салоҳияти, инсон капитали дунё даражасида юксалади.

ЎЗИНИ ЎЗИ БАНД ҚИЛИШ — ИҚТИСОДИЙ ФАОЛЛИК ВА ФАРОВОНЛИК АСОСИ

Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ҳар қандай даврда ҳам давлат ва жамият олдида турган энг муҳим, долзарб вазифалардан ҳисобланади. Аҳоли бандлигини таъминлаш эса ижтимоий ҳимоянинг энг асосий шартларидан биридир.

Партиямиз фикрича, **ижтимоий ҳимоя тизими тўғри йўлга қўйилса, эҳтиёжманд фуқаролар жамиятда ўз ўрнини топади**. Ижтимоий ҳимоя жамиятда боқимандаликни оширади, деган нотўғри қарашлар ҳам бор. Лекин ривожланган давлатлар

“

Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ҳар қандай даврда ҳам давлат ва жамият олдида турган энг муҳим, долзарб вазифалардан ҳисобланади. Аҳоли бандлигини таъминлаш эса ижтимоий ҳимоянинг энг асосий шартларидан биридир. Партиямиз фикрича, ижтимоий ҳимоя тизими тўғри йўлга қўйилса, эҳтиёжманд фуқаролар жамиятда ўз ўрнини топади.

”

тажрибаси бунинг аксини исботлаган. Яъни **ижтимоий ҳимоя манзилли ва шаффоф бўлса, жамиятда фаоллик, ишонч, барқарорлик кучаяди**.

Мазкур долзарб масалага Ўзбекистон Либерал-демократик партияси дастурида алоҳида эътибор қаратилмагани, аниқ таклифлар илгари сурилмагани таажжубли. Ваҳоланки, ўзини ўзи банд қилиш жамиятда иқтисодий фаоллик олиши, тадбиркорлик ва хизмат кўрсатиш ҳаракатлари кенгайишининг муҳим омили ҳисобланади. **Партия дастурида ички меҳнат миграциясини ривожлантиришга эътибор қаратилиши, бандликни молиявий қўллаб-қувватлаш манбалари кенгай-тирилиши борасида таклифлар илгари сурилган бўлса-да, уларни амалга ошириш юзасидан аниқ ва амалий механизмлар назарда тутилмаган**. Либерал демократик партия аҳолиимизнинг бу борадаги катта салоҳиятига кенгроқ ёндашиши мақсадга мувофиқ бўларди.

Иқтисодий фаоллик, бандлик ҳақида сўз борар экан, ўзини ўзи банд қилганлар учун шарт-шароитларни яхшилаш масаласига тўхталиш жоиз, албатта.

турмуш тарзининг асосини ташкил этган. Халқ демократик партияси эндиликда ўзини ўзи банд қилганлар учун шарт-шароитларни яхшилаш зарур деб ҳисоблайди.

Ўзини ўзи банд қилиш қўпичча кичик бизнесни ривожлантириш йўлидаги биринчи қадамдир. Ўзини ўзи банд қилганлар учун шароитларни яхшилаш иқтисодиётни диверсификация қилиш ва янги иш ўринлари яратиш учун асос бўлган кичик бизнеснинг ривожланишига хизмат қилиши мумкин.

Бундай фаол инсонлар учун фаолият турларини кенгайтириш янада мослашувчан меҳнат бозорини яратишга ёрдам беради. Ушбу ташаббус ҳар бир фуқаро ўз салоҳиятини рўёбга чиқариши ва мамлакатнинг иқтисодий ривожланишига ҳисса қўйиши мумкин бўлган янада инклюзив ва мослашувчан иқтисодиётни яратишга қаратилган. Фаолият турлари рўйхатини кенгайтириш янада барқарор ва адолатли иқтисодий муҳитни яратишга ёрдам беради, бу эса узоқ муддатли иқтисодий ўсish ва ижтимоий фаровонликка олиб келади.

ИШСИЗЛИҚДАН ҲИМОЯ ҚИЛИШДА ЎЗИГА ХОС ЁНДАШУВ

Дунёнинг кўпгина давлатларида ишсизлик ҳолатларида мажбурий ижтимоий сугурта қилишнинг миллий моделлари жорий қилинган. Мисол учун, Германияда ишсизликдан сугурта тизими кенг қамровли ижтимоий ҳимоя тизимининг бир қисмидир. Ишчилар ва иш берувчилар сугурта фондларига бадаллар тўлайди, иш жойини йўқотган тақдирда эса фуқаролар ишсизлик нафақасини олади.

Франция тизими кенг ижтимоий ҳимояни таъминлайди ва ишсизликни мажбурий сугурталашни ўз ичига олади. Ушбу тизимда касба уюшмалари ва иш берувчилар сугурта фондларини бошқаришда иштирок этади.

Швецияда ҳам ишсизлик нафақаларини ўз ичига олган юқори даражада ривожланган ижтимоий сугурта тизими бор. Швеция моделининг муҳим элементи ишсизлар учун янги касбларни эгаллаш мақсадида қайта тайёрлаш дастурларини жорий этиш орқали фаол қўллаб-қувватлашдан иборат.

Халқ демократик партияси томонидан илгари сурилаётган **ишсизлик бўйича мажбурий ижтимоий сугурта қилишнинг миллий модели жорий этилиши** фуқаролар ҳаётининг оғир давларида уларни моддий қўллаб-қувватловчи ижтимоий ҳимоя тизимини яратишда муҳим қадам бўлади.

Биз сайлов кампаниясига киришар эканмиз, ҳар бир инсон учун ижтимоий тенглик ва адолат тамойиллари асосида муносиб яшаш шароитини яратиш, ижтимоий тафовутларни камайтириш, муҳтожларга ёрдам бериш, камбағалликни қисқартириш, янги иш ўринлари ва даромад манбаини кўпайтириш бўйича сиёсатни мақсад қилганмиз.

Партиямизнинг парламентда кўпроқ ўринга эга бўлиши, маҳаллий Кенгашлардаги депутатларнинг устуңлигига эришиши ижтимоий соҳадаги режаларимиз янада тезроқ ва муваффақиятлар оғамалга оширилишини таъминлайди. Энг асосийси, ҳамма учун қўлай ва муҳим бўлган ижтимоий соҳа ривожлантирилади.

Феруза МАДРАҲИМОВА,
Ким ВИТАЛИЙ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар



Киём НАЗАРОВ,
фалсафа фанлари доктори,
профессор

Бошланиши 1-бетда

Биринчидан, бу борада, айниқса, Президентимизнинг 2020 йил 18 февралдаги “Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони, 2021 йил 3 декабрдаги “Маҳаллада тадбиркорлиқни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ҳоким ёрдамчилари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ва 2022 йил 19 январдаги “Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ҳамда 2023 йил 21 декабрдаги “Маҳалла институтининг жамиятдаги ролини тубдан ошириш ва унинг аҳоли муаммоларини ҳал этишда биринчи бўлин сифатида ишлашини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Иккинчидан, “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида маҳалланинг “фаол” моделини жорий этиш орқали маҳалла тизимини ривожлантириш ва маҳаллабай ишлашда давлат органлари, маҳаллий ҳокимлик ва жамоат ташкилотларининг ўзаро самарали ҳамкорлиги қатъий белгилаб қўйилиши, маҳалла институти фаолиятининг самардорлигини ошириш, уни жамоатчилик бошқаруви ва назоратининг таянч бўлинига айлантириш бўйича йўналишлар белгилангани мазкур соҳадаги ислохотларнинг бардавом бўлишини аниқлатади.

Бугунги кунда маҳаллаларнинг ваколатлари кенгайтирилиб, молиявий мустақиллиги кучайтирилиб, маҳалладаги ишларнинг ҳолати назорат, идора ва ҳокимликлар фаолиятини баҳолашнинг бош мезони сифатида белгиланди. Барча даражадаги раҳбарлар маҳаллага тушиб, ўз йўналиши бўйича муаммоларини ўрганиш ва уларга ечим топиши тартиби жорий этилди. Аҳолининг маҳалладан туриб, барча давлат органларига мурожаат қилиш ва уларнинг раҳбарлари билан мулоқот тизими яратилиб, давлат ва ижтимоий хизматларини бевосита маҳаллада кўрсатиш йўлга қўйилди.

Учинчидан, Президентимизнинг 2023 йил 21 декабрдаги қарорига мувофиқ, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси ташкил қилиниши бу борадаги институционал ислохотларнинг янги босқичини бошлаб берди.

Ўз навбатида, бу фуқаролар йиғинлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини фаолиятини амалга ошириши учун зарур шарт-шароитлар яратиш, уларга қонунийликда белгиланган ваколатларини амалга оширишда қўмақлаштириш, маҳаллабай ишлашга масъул шахслар фаолиятини самарали ташкил этиш ва уларнинг ҳамкорлигини таъминлаш, шунингдек, жамиятда “Обод ва хавфсиз маҳалла” тамойили тўлақонли ва самарали жорий этилишида қўмақлаштириш билан боғлиқ устувор вазифаларини ҳал қилиш тизимининг самарасини янада оширишга хизмат қилмоқда.

Тўртинчидан, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси ташкил этилиши мазкур фуқаролик жамияти институтини халқ билан давлат ўртасидаги кўприк вазифасини амалга оширувчи мустақил ва халқчил тузилмага, жамоатчилик бошқаруви ва назоратининг таянч бўлинига айлантириш, унинг жамиятдаги ўрни ва ролини кучайтириш, маҳалла бошқарувида аҳолининг фаол иштирокчини таъминлашга ёрдам бермоқда.

Шу билан бирга, бу ҳар бир фуқаро ўзи ва оиласининг келажаги, молиявий аҳволи ва фаровонлигини таъминлашда масъулиятини сезиши, боқимандаликка ўрганмаслик ҳиссини янада кучайтириш бўйича тарғибот ва ташвиқот ишларини амалга ошириш, “маҳалла еттичилиги” томонидан маҳалланинг ички ресурсларини аниқлаш ҳамда уларни ижтимоий хизматлар ва ёрдам кўрсатиш учун сафарбар этишда қўмақлаштириш имконини оширмоқда.

Натижада маҳаллалардаги муаммоларнинг ўз вақтида ва самарали ечилишида давлат органлари ва ташкилотларининг маҳаллалардаги вакиллари саъй-ҳаракатларини бирлаштириш, мувофиқлаштириш ва йўналтириш ҳамда маҳалланинг молиявий имкониятларини ошириш, камбағал фуқароларга ажратилаётган бюджет ва бошқа маблағларнинг мақсадли ва манзилли йўналтирилишини таъминлаш даражаси кескин ортмоқда.

Маҳаллаларнинг моддий-техник таъминотини яхшилаш, уларга ажратиладиган



Маҳалла — ТАРАҚҚИЁТ БЕШИГИ

(Иккинчи мақола)

маблағларни марказлашган тарзда тақсимлаш, соҳага замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш самараси ошди ва ушбу соҳадаги амалий механизм такомиллашиб бораётир.

ЯНГИ ТАРАҚҚИЁТ БОСҚИЧИ

Тараққиёт стратегиясида маҳалланинг “фаол” моделини жорий этиш орқали ушбу тизимни янада ривожлантириш ва “Маҳаллабай” ишлашда давлат органлари, маҳаллий ҳокимлик ва жамоат ташкилотларининг ўзаро самарали ҳамкорлиги қатъий белгилаб қўйилиши, маҳалла институти фаолиятининг самардорлигини ошириш, уни жамоатчилик бошқаруви ва назоратининг таянч бўлинига айлантириш бўйича йўналишлар белгилангани мазкур соҳадаги ислохотларнинг бардавом бўлишини аниқлатади.

“Ўзбекистон — 2030” стратегиясида эса бу борадаги динамик жараёни янада чуқурлаштириш ва ушбу йўналишдаги ислохотларнинг бардавом бўлишини таъминлашга доир устувор мақсад ва вазифалар аниқ-тиниқ кўрсатилди.

Бу жиҳатдан бугунги кунда маҳалла институтининг ижтимоий ҳаётдаги ўз муҳим ўрнини сақлаб қолган ҳолда ижтимоий барқарорликни мустақамлашга қаратилган вазифаларни бажаришни давом эттирмоқда ва ижтимоий ўзаро алоқа ҳамда қўллаб-қувватлашнинг энг муҳим воситасига айланмоқда. Шунингдек, давлат дастурларини амалга оширишга ёрдам бермоқда, аҳолининг фаровонлиги ва барқарор ривожланишини таъминловчи асосий омиллардан бири сифатида тадбиркорлиқни фаол ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

Маҳалладаги муаммоларни фақат шу тизимда ишловчи ходимлар билан қамраб олиш имконсиз, албатта. Айни пайтда бугун жамиятда маҳалла аралашмайди, унга тааллуқли бўлмаган масаланинг ўзи йўқ. Ёшлар таълим-тарбияси, оилалар мустақамлаши, ижтимоий ёрдам кўрсатиш масалалари дейсизми, тадбиркорлиқни ривожлантириш, янги иш ўринлари яратиши — барча-барчасида маҳалланинг ўрни сезилиб туради.

Маҳалланинг кўп қирраллиги унинг ижтимоий ҳаётининг турли жиҳатларини бирлаштири олиш қобилиятида намоян бўлади. Бу ёшларни миллий аъёнларга ҳурмат руҳида тарбиялашдан тортиб,

аҳолининг ҳимояга муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлаш, шунингдек, ижтимоий алоқаларни мустақамлаш бўйича ташаббусларни амалга оширишга бўлган кенг қамровли фаолиятини ўз ичига олади.

Бу йўналишда жамоатчилик тузилмалари, “Маҳалла назорати” ва “Кексалар маслаҳати” гуруҳлари, “Оқила аёллар” ҳаракати аъзолари, нурунийлар, зиёлилар фаоллиги йўлга қўйилганки, ҳеч бир масала эътибордан четда қолмапти. Ўз навбатида, уларнинг ижтимоий фаоллигини кучайтириш, рағбатлантириш тизими ишлаб чиқилди ва у самарали амалга оширилмоқда.

Президентимиз 2023 йил 21 декабрда иккита муҳим ҳужжат, яъни “Маҳалла институтининг жамиятдаги ролини тубдан ошириш ва унинг аҳоли муаммоларини ҳал



етишда биринчи бўлин сифатида ишлашини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармон ҳамда “Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси фаолиятини йўлга қўйиш ва маҳаллаларда бошқарув тизимини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорини имзолаши маҳалла тизими тадрижида янги босқични бошлаб берди. Ушбу тарихий ҳужжатларда маҳаллалар фаолиятини янада самарали ва



тизимли ташкил қилиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашни такомиллаштириш борасида устувор вазифалар белгилаб берилди.

Ҳужжатларга мувофиқ, Маҳаллани қўллаб-қувватлаш кенгашлари, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси ташкил қилинди. Ҳар бир фуқаролар йиғинида ўзига хос ноб тузилма — маҳалла раиси, ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаоли, ижтимоий ходим, солиқ ва профиллактика инспекторидан иборат “маҳалла еттичилиги” фаолиятини йўлга қўйилди.

Маҳалла ходимлари фаолиятини асосий самардорлик кўрсаткичлари (КР) бўйича алоҳида баҳолаш тартиби жорий этилди. Маҳалла раислари ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаоли, профиллактика инспектори, ижтимоий ходим ва солиқ инспектори фаолиятини КР асосида баҳолашда 20 фоз балл бериш ҳуқуқига эга бўлди. “Маҳалла еттичилиги” аъзоларининг иш ҳақини асосий иш жойидан бериш тартиби сақлаб қолинган ҳолда КР асосида баҳолаш натижаларидан келиб чиқиб, рағбатлантириб берилади.

Барча маҳаллаларда “Маҳалла бюджетини” тизимини йўлга қўйилди. Мамлакатимиз тарихида илк мартаба аҳолининг демографик ва ижтимоий ҳолати, таълим, ижтимоий соҳа объектларида доир 25 та йўналиш ва 401 та кўрсаткич асосида 9452 та маҳалланинг баланис шакллантирилди. Аҳоли қайғибитига салбий таъсир кўрсатувчи муаммоларни бар-тароф этиш бўйича “йўл харита”лари, маҳаллалар “Омбор котиби” ҳамда ҳар бир маҳалланинг бандлик дастури ишлаб чиқилди. Фуқароларнинг бирламчи муаммолари ягона саволнома асосида ўрганилиши йўлга қўйилди.

Энг муҳими, маҳалланинг аҳолига ижтимоий қўмак бериш борасидаги ваколати кучайтирилди. Эндиликда “Темир дафтар”, “Ёшлар дафтари” ва “Аёллар дафтари” орқали ижтимоий ёрдам кўрсатиш ва субсидиялар ажратиш “маҳалла еттичилиги”нинг биргаликдаги қарори асосида амалга оширилади. Маҳалланинг ягона платформаси орқали ижтимоий ёрдамларнинг манзиллилиги таъминланапти.

Натижада маҳалла одамлар келиб фикрини, таълифини, дардини айтадиган, муаммосига ечим топадиган масканга айланди.

ХАЛҚАРО ЭЪТИРОФ

Президентимиз ғояларининг халқаро эътирофи бутун жаҳон сиёсатининг таркибий қисмига айлангани жорий йилнинг 3-5 октябрь кунлари Самарқанд шаҳрида “Камбағалликдан фаровонлик сари” ғояси асосида “Аҳолининг турмуш даражасини оширишда маҳалланинг ўрни” мавзусида ўтказилган конференцияда яна бир бор яққол намоян бўлди.

Анжуманда қатнашган БМТнинг Ўзбекистондаги доимий координатори Сабине

Маҳл сўзларига эътибор беринг: “2024 йил 1 июнь санасида БМТнинг доимий вакили сифатида Ўзбекистонга етиб келдим ва 2012 йилдаги сўнгги ташрифимдан кейинги ўзгаришлардан ҳайратга тушдим. Ўзбекистонда инсон қадр-қиммати катта эътибор қаратилиб, ислохотлар марказига инсонни қўйган ҳолда кенг қўламли ўзгаришлар амалга оширилмоқда. БМТнинг доимий вакили сифатида Қорақалпоғистон, Қашқадарё ва Сурхондарёдаги маҳаллаларда бўлиб, шахсан ўзим бунинг яққол ғувоҳи бўлдим.

Маҳаллий ҳокимият вакиллари, ёшлар, фермер аёллар, тадбиркорлар ва кексалар билан суҳбатларга бой бўлган ушбу ташрифлар Ўзбекистон халқининг матонати ва ижобий руҳияти ҳақида чуқур таассурот қолдирди. Ҳатто БМТ Бош котиби Антониу Гутерриш ҳам Ўзбекистонга ташрифи чоғида Тошкент шаҳридаги Дилбулоқ маҳалласида маҳаллий аҳоли билан учрашиб, маҳалланинг аҳамиятини эътироф этган эди.

Жамиятнинг юраги бўлган маҳалла БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадлари асосий тамойили бўлган “Ҳеч кимни эътибордан четда қолдирмаслик” ғоясини ўзида муҷассам этади. Бу жамият бирлиги ва ўзаро қўллаб-қувватлашни рағбатлантиришда ҳамда энг заиф қатламларнинг ҳам имкониятлардан фойдаланишини таъминлайди. Маҳалла халқ ва ҳукумат ўртасида кўприк вазифасини бажариб, жамоат ривожланиши ташаббусларини фаол илгари суради”.

Сабине Маҳлиннинг ушбу фикрлари ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари ўринбосари Жоффри Ижумбанинг “Маҳалла — Ўзбекистондаги кучли ижтимоий платформа” маърузасида баён қилинган қўйидаги эътирофи билан ҳамоханг: “Жадал ўзгариш бораётган дунёда ЮНИСЕФ маҳаллани Ўзбекистондаги фуқаролар, айниқса, болалар учун яхши бўлган барча нарсаларнинг макони ва Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияни амалга ошириш учун кучли платформа сифатида қўради. Ташкилот маҳаллада ўғил-қизлар, жумладан, ногиронлиги бўлган болалар соғлом ўсиб-ўлайиши, тўғри овқатланиши, тоза сув ва канализациядан фойдаланиши, безорилик ва зўравонликсиз эркин яшashi, тоза ҳаводан нафас олиши мумкин бўлган хавфсиз муҳитни қўрапти...”

Шу билан бирга, маҳаллалар оилалар ва ҳукумат ёки ННТ томонидан бошқариладиган ижтимоий хизматлар ўртасида кўприк бўлиб хизмат қилади. Оилаларга зарур ёрдам, жумладан, соғлиқни сақлаш, таълим ва психологик-ижтимоий қўмак кўрсатиш тизими таъминлайди. Маҳалла аҳолига энг яқин тузилма бўлгани учун турли низоларни ҳал этиш орқали оилалар бузилиши, зўравонлик ёки болалар меҳнатининг олдини олишга эришади. Болалар ҳуқуқларини сунистеъмол қилиш, қаровсизлик ёки бошқа қонунобузилиш ҳолатларида ўз вақтида аралашиб, ҳимоя қораларини таъминлайди.

Янги Ўзбекистон шароитида маҳаллалар жамиятда бола ҳуқуқлари ва ҳимояси масалалари ҳақида хабардорлиқни ошириши, гендер тенгликни рағбатлантириши, аёлларга нисбатан зўравонлик, болалар меҳнати ёки эрта турмуш қуриш каби зарарли аъёнларнинг олдини олиши мумкин.

Шундай қилиб, маҳалла ҳар бир хонадонга етиб бориш, хизматлардан, айниқса, болалар учун тенг ҳуқуқлилиқни таъминлашда ўзига хос ўрин тутди. Маҳалла барча соҳаларда самарали хизматлар кўрсатишини таъминлаш, шу жумладан, хизматларнинг умумий мониторинги ва сифатини таъминлашда фаол назорат қилиши зарур.

Хулоса қилиб айтганда, “Ҳеч кимни эътиборсиз қолдирмаслик” тамойилини маҳалласиз ҳаётга татбиқ этиб бўлмаслиги аниқ ва ЮНИСЕФнинг маҳалла институтини мустақамлашга қўмақлаштириш мажбуриятининг замирида ҳам айнан шу нарсга ётади”.

Хитойнинг “Gansu Lanmei Professional Skills Training School Co., Ltd” бош менежери Янг Жи Фаннинг қуйидаги сўзларини ҳам халқаро эътирофнинг яққол намунаси дейиш мумкин: “Ўзбекистонга иккинчи марта келганимдан жуда хурсандман, бу — мен учун бахт ва омад дийри... Келажақда бу ерда қолиб, маҳаллий аҳолининг турмуш даражасини яхшилашда Ўзбекистон тажрибасини яратишга ёрдам беришга тайёрман. Шу билан бирга, Маҳаллалар уюшмаси раиси маслаҳатчиси лавозимида ишлаш шарафидан учун чин дилдан миннатдорлик билдираман.

Бизнинг компания уй ҳўжалиги ва халққа хизмат кўрсатишга ихтисослашган бўлиб, унинг қўроғоҳи 2200 квадрат метрдан ортиқ майдонни эгаллайди ва 46 маҳаллага хизмат кўрсатиш имкониятига эга. Ҳар йили турли хизматлар, профессионал ўқув курсларини ташкил этиб борамиз.

Мижозларнинг ҳақиқий эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда кенг қамровли, мослаштирилган ва профессионал уй хизматлари кўрсатиш моделини яратдик. “Жамоз, оила ва ҳаёт” тамойилининг юқори қиймати экотизимини яратишни давом эттирдик ва Хитойнинг етакчи брендига айландик.

Хитой ва Ўзбекистон ҳамкорлиқда барпо этган “Бир макон, бир йўл” лойиҳасининг ривожланиши билан Гансу ва Ўзбекистон ўртасидаги ўзаро алмашинувлар тез-тез содир бўляпти, томонлар саноат кооперациясини янада мустақамламоқда. Қардош шаҳарлар ўртасидаги алмашинувни чуқурлаштириш борасида самарали ҳамкорликка эришдик.

Биз ҳар икки томон учун ўзаро манфаат келтирувчи шароитларни яратишга тайёرمىз. Хусусан, ўз технологияларимиз, ўқитувчилар таркиби, ўқув тизими, операцион модел, стандарт натижалар, жиҳозлар ва бошқаларни тақдим этишимиз, хизматлар кўрсатиш бўйича тажрибамизни ўртоқлашамиз.

Хитой аҳолисига Ўзбекистоннинг маҳаллаларда хизмат кўрсатиш компанияларига ишга кириш, бу йўналишда қорхоналар ва ўқув муассасаларини ташкил этиш, мактаб-қорхона ҳамкорлиги ва юқори малакали иқтидорларни тайёрлаш жараёни қизиқ, албатта. Асосий мақсадимиз маҳаллаларда уй-ўрғор хизматлари, бошқа тегишли фаолият ва тадбиркорлик турлари ҳамда ҳамкорлик мазмунини доимий равишда бойитиб бориш, натижаларини кенгайтириш ва мустақамлашдан иборат”.

БМТ Тараққиёт дастурининг Ўзбекистондаги доимий вакили Аккио Фужининг “Маҳалладаги ислохотлар бизни ўзаро ташаббускорликка ундайди” маърузасида қўйидагилар алоҳида эътироф этилган:

“Маҳалла фуқароларнинг ўзини ўзи бошқаришининг самарали органи ва бой тарихча эга фуқаролик жамияти институтидир. Маҳаллалар инсон қадриятлари, маданияти ва жамият ҳамжиҳатчилигини сақлашда муҳим аҳамиятга эга.

Янги Ўзбекистонда ушбу ўзини ўзи бошқариш органининг салоҳияти ва бошқарувини яхшилашга қаратилган таҳсисга сазовор ислохотларни алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман. Маҳаллалар уюшмаси ташкил этилиши ва такомиллаштирилган “маҳалла еттичилиги” тизими бу борадаги саъй-ҳаракатларда чинакам муҳим қадам бўлди.

БМТ Тараққиёт дастурининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси маҳаллаларни фуқаролик жамиятининг муҳим элементи сифатида эътироф этиб, ўзининг одил жамиятга асосланган дастурлари орқали қўллаб-қувватлаб келмоқда...”

Биз Ўзбекистон маҳаллаларининг ҳудудий ўзига хослигини ҳисобга олган ҳолда инсонийлик ва ривожланишга йўналтирилган ташаббуслар билан мамлакатини қўллаб-қувватлаш давом эттиришга тайёرمىз”.

Бу каби эътирофлар халқаро конференцияда иштирок этган чет эллик бошқа таъниқли экспертлар, мамлакатимиз олим ва мутахассисларининг маъруза ва чиқишларида кўп бора янгради. Ўз навбатида, бу маҳалла тизимини такомиллаштириш ва унинг самарасини ошириш соҳасида Ўзбекистон тажрибаси шакллангани ва унинг халқаро майдонда кенг эътироф этилаётганидан далолат беради.

Хулоса қилиб айтганда, замонавий Ўзбекистонда маҳалла мамлакатини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий омилларидан бирига айланди. Маҳалла орқали ижтимоий ҳамжиҳатликни мустақамлаш, аҳолининг фаровонлик даражасини ошириш ва турмуш сифатини яхшилаш таъминланмоқда. Унинг фуқаролик жамиятига ўзига хос ўрни замон таҳдидларини самарали енгиб ўтиш ва мамлакатнинг уйғун ривожланишига хизмат қилмоқда.

ҚЎРҚУВ ВА ХАВОТИРДАН ИШОНЧ, АДОЛАТ МАСКАНИГА АЙЛАНАЁТГАН ЯНГИ СУД ТИЗИМИ

Азамат ИКРОМОВ,
Тошкент вилояти судининг
иқтисодий ишлар бўйича
судлов хайъати раиси

Бошланиши 1-бетда

Шунингдек, вилоят судлари ва уларга тенглаштирилган судлар томонидан тафтиш тартибида кўрилган ишлар Олий суднинг Иқтисодий ишлар бўйича судлов хайъатида тафтиш тартибида қайта кўрилмақда.

Иқтисодий ишлар бўйича судлов хайъати томонидан кўрилган ишлар Олий суд раёсатида тафтиш тартибида қайта кўрилади. Энг муҳими, энди юқори турувчи судлар томонидан кўйи судларнинг бекор қилинган қарорларини янгидан кўриш учун биринчи инстанция судига юбориш тартиби бекор қилиниб, ҳар бир суд инстанциясининг зиммасига иш бўйича якуний қарор чиқариш мажбурияти юклатилди.

Қонунчиликда белгиланган аввалги тартибга кўра, апелляция тартибида кўрилмаган иш бўйича суд ҳужжати устидан норози тарафда кассация шикоят бериш ҳуқуқи мавжуд эмас эди. Бу эса муайян сабабларга кўра апелляция шикоятини бериш муддатларини ўтказиб юборган тарафнинг суд ҳужжати устидан шикоят бериш ҳуқуқини чеклаб қўярди.

Энди суд ҳужжатидан норози тараф ўз хоҳиши бўйича қонуний кучга кирмаган суд ҳужжати устидан апелляция шикояти билан, қонуний кучга киргач, кассация шикояти билан мурожаат этиш имконига эга бўлди.

Одил судлов соҳасига тафтиш институти киритилиши ва суд қарорини тафтиш тартибида кўриш ваколатлари ўрта бўғин судлари ҳисобланган вилоят судлари ва унга тенглаштирилган судларга берилиши, тафтиш инстанцияси томонидан ишни кўришда қўйи судларнинг моддий ва процессуал қонун нормаларига риоя этилганлиги ҳолатини тўлиқ тафтиш қилиш орқали кўриб чиқиб, суд қарорларига қонуний баҳо берилишини таъминлайди.

Мазкур институтнинг қонунчиликка татбиқ этилиши орқали Олий суднинг марказлашган ваколатлари қўйи судларга ўтказилиши ўрта бўғин судларнинг одил судловни таъминлашдаги ваколатларини кенгайтириш билан бирга уларга қонуний ва асосли қарор қабул қилиш каби масъулиятни ҳам юклайди.

Янги киритилган ўзгартиришларга кўра, суд харажатларини тақсимлаш тўғрисидаги масала ҳал қилинмагани ёки нотўғри ҳал қилингани суднинг ҳал қилув қарорини бекор қилиш ёки ўзгартириш учун асос бўлмайди.

Бундан ташқари, апелляция инстанция судига шикоят (протест) киритиш муддати ўзгармаган бўлса-да, бироқ кассация ва тафтиш инстанцияларига шикоят (протест) киритиш муддатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Унга кўра, кассация шикояти (протести) биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори қонуний кучга кирган кундан эътиборан олти ой ичида берилиши мумкин.

Кассация шикояти (протести) беришнинг ўтказиб юборилган муддати шикоят (протест) берган шахснинг илтимосномаси бўйича кассация инстанцияси суди томонидан, агар илтимоснома кассация

шикоятини (протестини) бериш муддати ўтган кундан эътиборан уч ой ичида бериш ва кассация шикоятини (протестини) бериш муддати ўтказиб юборилишининг сабаблари суд томонидан узрли деб топилган бўлса, тикланиши мумкин бўлди.

Тафтиш тартибидаги шикоят (протест) биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори, ажрими қонуний кучга кирган кундан эътиборан бир йил ичида берилди.

Қорақалпоғистон Республикаси судига, вилоятлар ва Тошкент шаҳри судларига тафтиш тартибидаги шикоят (протест) бериш муддати кассация инстанцияси суди томонидан қарор қабул қилинганга қадар ўтган бўлса, тафтиш тартибидаги шикоят (протест) кассация инстанцияси суди қарор қабул қилган кундан эътиборан уч ой ичида берилиши мумкин.

Шунингдек, Олий суднинг Иқтисодий ишлар бўйича судлов хайъатига тафтиш тартибида шикоят (протест) бериш муддати Қорақалпоғистон Республикаси суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳри судлари томонидан ишни тафтиш тартибида кўриш натижалари бўйича қарор қабул қилинганга қадар ўтган бўлса, тафтиш тартибидаги шикоят (протест) ушбу судлар томонидан ишни кўриш натижалари бўйича қарор қабул қилинган кундан эътиборан уч ой ичида берилиши мумкин.

Шу билан бирга, Олий суд раёсатига Олий суд раисининг, Бош прокурорнинг протести Иқтисодий процессуал кодекснинг 307-моддаси биринчи қисмининг иккинчи ва учинчи ҳаттобшларида кўрсатилган шахсларнинг мурожаати келиб тушган кундан эътиборан уч ой ичида, лекин Олий суднинг Иқтисодий ишлар бўйича

Энди суд ҳужжатидан норози тараф ўз хоҳиши бўйича қонуний кучга кирмаган суд ҳужжати устидан апелляция шикояти билан, қонуний кучга киргач, кассация шикояти билан мурожаат этиш имконига эга бўлди.

Янги киритилган ўзгартиришларга кўра, суд харажатларини тақсимлаш тўғрисидаги масала ҳал қилинмагани ёки нотўғри ҳал қилингани суднинг ҳал қилув қарорини бекор қилиш ёки ўзгартириш учун асос бўлмайди.

судлов хайъати томонидан ишни тафтиш тартибида кўриш натижалари бўйича қарор қабул қилинган кундан эътиборан олти ойдан ортиқ бўлмаган муддатда киритилиши мумкин.

Тафтиш тартибидаги шикоят (протест) беришнинг ўтказиб юборилган муддати тафтиш тартибида шикоят (протест) берган шахснинг илтимосномаси бўйича суд томонидан, агар илтимоснома шикоятини (протестини) бериш муддати ўтган кундан эътиборан уч ойдан кечиктирмай бериш ва тафтиш тартибида шикоятини (протестини) бериш муддати ўтказиб юборилишининг сабаблари суд томонидан узрли деб топилган бўлса, тикланиши мумкин.

Мазкур қонунга киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларга кўра, олдинги суд ҳужжатлари устидан шикоят (протест) қилишдан фарқли ўлароқ, келгусида фуқаролар ва юридик шахслар

томонидан биринчи инстанцияси судининг суд ҳужжатлари қонуний кучга киргунга қадар апелляция тартибида ёки қонуний кучга кирган суд ҳужжатларига нисбатан эса кассация тартибида шикоят (протест) қилиш ҳуқуқи кафолатлаб қўйилган.

Мамлакатимизда иқтисодиётни ривожлантириш, тадбиркорлар ҳуқуқларини кенг ҳимоя қилиш, иқтисодиётимизга чет эл инвестицияларини кенг жалб этиш, инвестициявий ва кулай ишбилармонлик муҳитини яхшилашда иқтисодий судларнинг ўрни алоҳида аҳамиятга эга.

Бугунги кунда иқтисодий судлар томонидан кўрилатган ишларнинг салмоғи йилдан йилга ортиб бормоқда. Бу, бир томондан, иқтисодиёт соҳаси ривож ва иқтисодиёт тармоқларида янгидан янги муносабатлар вужудга келиши, иккинчи томондан, тадбиркорларнинг ўз ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилишга бўлган

интилиши ортиб боришдан далолат беради.

Тошкент вилояти иқтисодий судларига жорий йилнинг биринчи ярмида жами 22 минг 643 та, шундан тадбиркорлик субъектлари томонидан 1855 та даъво аризаси келиб тушган бўлиб, тадбиркорлар фойдасига 216 миллиард 162 миллион сўмга яқин маблағ ундирилган.

Ушбу даврда биринчи инстанция судлари томонидан кўриб чиқилган мазкур тоифадаги иқтисодий ишларга нисбатан манфаатдор шахслар томонидан апелляция, кассация ҳамда тафтиш тартибида жами 535 та шикоят келиб тушган.

Хулоса қилиб айтганда, одил судлов соҳасидаги барча ислохотлар фуқароларнинг одил судловга эришиш даражасини янада ошириш, уларнинг бузилган ҳуқуқ ва эркинликлари, шунингдек, қонуний манфаатлари ишончли ҳимоя қилинишини таъминлайди.

Долзарб мавзу



Дилшод УЛУҒМУРОДОВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

Илм аҳли орасида
нарсалар қандай
бўлмоғи лозимлигини
билиш ақлли одамга,
нарсаларнинг ҳақиқатан
қандайлигини билиш
тажрибали одамга,
нарсаларни янада
такомиллаштириш
буюк одамга хосдир,
деган тушунча мавжуд.
Англашнингиздек, бу
жумлаларда инсонни
ўқишга, билим олишга,
доимий изланиш ва
интилишга чорлов
бор. Илмни ўз ўрнида
ишлата билиш эса катта
маҳоратдир.

Бугун бутун дунёда ана шу маҳоратга эҳтиёж ҳар қачонгидан ортган. Замондан ортда қолмаслик, жаҳон иқтисодиётида ўз ўрнини мустаҳкамлаб бориш долзарблашган. Чунки вазият кескин. Қарашлар, қарорлар қатъийлашган. Иқтисодиётда беқарорлик кучайган. Рақамлашаётган дунё, жадал технологиялар асри мукамал билим ва тажрибани, маҳоратни талаб этмоқда. Бундай вазиятда факат билимга таянилади. Билимга ҳозирги замоннинг қимматли бойлиги, уни ўрганиш эса кечиктириб бўлмайдиган ҳодиса, дея тавсиф берсак, нотўғри бўлмайди, назаримизда. Шунинг учун ҳам бугун мамлакатлар дунё иқтисодиётида, жаҳон бозорида ўз ўрнини мустаҳкамлаб боришга интилади. Аслида ҳам шундай. Билимга асосланган иқтисодиётда ривожланиш ўз самарасини кўрсатади. Мутахассислар бунда ахборот технологияларини ўрганиш ва қўллаш катта

ҚИММАТЛИ БОЙЛИК ВА КЕЧИКТИРИБ БЎЛМАЙДИГАН ҲОДИСА

аҳамият касб этишини, таълим сифатини юқори даражага олиб чиқиш жамиятда билим орқали бойлик яратиш, рақамли иқтисодиёт имкониятларини оширишини таъкидлайди.

Инсон — асосий куч

Иқтисодиёт, умуман, ҳар қандай соҳа раёсати инсонга, яъни унинг ғояси, билими, тафаккури ва ташаббусига боғлиқ. Асосий куч инсон экан, унинг билим эгаллаши учун шарт-шароит яратиш, имконият бериш мамлакатлар олдида турган асосий вазифалардан бири бўлиб қолаверади. Иқтисодий билим самараси унинг барча йўналишида ўз аксини топади.

Иқтисодий ўсишни тезлаштириш ва рақобатбардошликни оширишга мўлжалланган билимлар яратиш, тарқатиш ва фойдаланиш бугуннинг асосий мавзуларидан бирига айланиб улгурган. Унинг асоси эса интеллектуал капиталга бориб тақалади. Ноу-хау, патентлар, кашфиётлар, дастурий таъминот кабилар унинг мевасидир.

Маълумотларга кўра, 2030 йилга бориб, дунё аҳолиси 13 фоиз ўсади. Автоматлаштириш ва рақамлаштириш туфайли 2035 йилга бориб, бандликнинг учдан бир қисми ўзгаради. Ҳозирги мавжуд барча иш ҳажмининг 14 фоизи автоматлаштирилади. Кўриниб турибдики, дунё жадал рақамлашиб кетаверади. Ўз навбатида, замонавий билимга талаб ҳам ортиб бораверади. Шу жиҳатдан қараганда, мамлакатимиздаги ислохотлар ёшларнинг

замонавий касблар бўйича билим ва тажрибасини оширишга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Бунга давлатимиз раҳбари яқинда Самарқандда Оснө инфрақурилиш инвестициялар банки бошқарувчилари кенгашининг тўққизинчи йиллик йиғилишидаги нутқида ҳам алоҳида тўхталиб, инсон капиталини ривожлантириш мамлакатимиз барқарор ва узоқ муддатли иқтисодий ўсишнинг мустаҳкам пойдевори эканини таъкидлади.

Мамлакатимизда ёшларни билимли ва касб-хунарни қилиб вояга етказиш борасида кўрилатётган чоралар хусусида сўз юритиб эканмиз, ўша нуфузли анжуман иштирокчиси — Польша молия вазирлигининг халқаро ҳамкорлик департаменти директори Павел Шибекнинг қуйидаги фикрларини келтириш ўринли: “Таълим иқтисодиётнинг ўсиши учун энг муҳим омил. Польша 1989 йилдан кейин жуда қўйи даражадан ривожлана бошлаган ва таълимга қаратилган саъй-ҳаракатлар туфайли ЯИМни сезиларли даражада оширишга муваффақ бўлган мамлакат.

Менимча, юқори малакали ишчи кучи зарур бўлган замонавий геосийёсий дунёда сифатли таълим долзарб аҳамиятга эга. Ривожланишда давом этаётган мамлакат учун билимли жамиятга эга бўлиш муҳим”.

Таълимга эътибор қаратган жамият ютқазмайди. Бундай мамлакатнинг иқтисодиёти барқарор, халқи фаровон ҳаёт кечиради. Бунга мисол жуда кўп. Айтайлик, дунё иқтисодиётида ўзига хос ўринга эга

Жанубий Кореяда рейтинг тизими ҳаётнинг деярли барча жабҳасига татбиқ этилади. Бу тизим, айниқса, таълим соҳасида жуда муҳим ҳисобланади. Энг яхши талабалар мамлакатнинг нуфузли университетларида тахсил олади. Жанубий Кореядаги энг юқори рейтингга эга университетлар учлиги “SKY” деб номланиб, уларга ўқишга кириш абитуриентнинг мактабдаги ютуқлари ва кириш имтиҳони натижаларига боғлиқ. Шунинг учун корейликлар болалиқдан мана шундай нуфузли олийгоҳларга ўқишга киришни орзу қилад ва шу мақсадда ҳаракатдан тўхтамайди.

Эҳтимол, Жанубий Корея иқтисодиётидаги бугунги мисли кўрилмаган ютуқларда мамлакат ёшларининг шундай интилиши мумкин, десак хато бўлмайди. Ўзи, умуман, АҚШ, Япония, Жанубий Корея сингари давлатлар бирдан замонавий технология масаласида тенгма-тенг беллашадиган, рақобатлашадиган мамлакатлар бўлиб қолмаган. Бунинг учун узоқ йиллар босиб ўтилган. Йўлнинг бошида эса инсонга йўналтирилган капитал, яъни билим турибди.

Бугун охири русумдаги телефон ёки электромобиль харид қилиш учун хорижда ишлаб келишга шошилаётган авлод вакилларида бири сифатида мамлакатимиздаги ҳозирги ислохотлар вақти келиб ўз самарасини беришига ишонаман. Очиги, ҳозирдан сезилаётган жиҳатлар ҳам йўқ эмас. Шундай деймиз-у, ораимизда мана шу каби илгор техникаларнинг ҳеч бўлмаса муқобилини яратишга интилатган юртдошларимиз бор-

микан?! Умуман, ёшларимиз ўз ихтиро ва кашфиётлари, илмий изланишлари орқали иқтисодиётимизга қанчалик наф келтирмоқда? Айтайлик, бир заводнинг ёш ходими ишлаб чиқариш жараёнида қайсидир дастгоҳ мурватига ишлов бергани иш унумдорлигини ошириб юборгани ёки бирор дастуричизимнинг қайсидир дастурини такомиллаштиргани бутун дунё технологияси ишига ижобий таъсир кўрсатгани ҳақида нимага ёзмаймиз? Билмаймизми ёки бундай иқтидорлар йўқми?!

Тўғри, ёшлар турли халқаро фан олимпиадаларида анча илгор. Улар орасида маҳаллий ва халқаро доирадаги турли танловлар ғолиблари ҳам талайгина. Юртимизда 2018 йилдан бошлаб ҳар йили Халқаро инновацион ғоялар ҳафталиги — Innoweek.uz ўтказиб келинади. Унинг хорижий инновацион ва илмий марказлар, инвестиция фондлари, технологик агентликлар, технопарклар ва бизнес инкубаторларни ягона мақсад йўлида жамловчи инновацион технологиялар платформасига айлانгани ҳам ҳақиқат. Бироқ иқтисодиётларнинг индивидуал фаолияти, келгуси тақдирини билан унчалик ҳам қизиқармаймиз. Мазкур йўналишдаги анжуман, тадбир ва форумлар ўтганидан сўнг уларнинг натижаси ҳақида кўп ҳам ёзавермаймиз. Кашфиётчи, иқтисодий ёшларимиз, илмий изланувчиларимиз, мутахассисларимиз, олимларимиз фаолиятини оммалаштирмаймиз. дунёга танитмаймиз. Ваҳоланки, ҳар қандай ғоя, тахассус, инновация, аввало, шахсий фикр маҳсулидир.

Инновация — тараққиётдан дарак

2022 йилги Глобал инновацион индексга кўра, айна пайтада дунёнинг энг инновацион иқтисодиёти Швейцария, АҚШ, Швеция, Буюк Британия ҳамда Нидерландияга тегишли. Хитой, Ҳиндистон ва Туркия ҳам жадал ривожланиш йўлида.

Мамлакатимизда бу борада дадил қадамлар ташланмоқда. Шу мақсадда 2022-2026 йилларда Ўзбекистон Республикасининг инновацион ривожланиш стратегияси қабул қилинган. Унга кўра, шу давр ичида юртимизда фаолият юритаётган инновацион саноат ишлаб чиқарувчи субъектлар сонини 2250 тагача етказиш, технопарклар, технологиялар трансфери марказлари, инновацион кластерлар, венчур ташкилотлар, инновация марказлари, бизнес-инкубаторлар ва акселераторлар сонини 3 баробар ошириш, ички ва ташқи бозорларда тижорийлаштириш натижасида яратилган янги инновацион ишланмалар сонини 2 баробар кўпайтириш,



худудлардаги инновацион марказлар сонини 494 тагача етказиш режа қилинган.

Мутахассислар жаҳон бозорига замонавий технологияларга асосланган, юқори маош таклиф этувчи янги иш ўринлари яратиш энг устувор ва ўзига хос вазифа бўлиб қолишини айтмоқда. Бунинг тўғри ечимларидан бири эса алоҳида стратегик дастурлар ишлаб чиқишидир.

Мамлакатимизда ҳар йили 600-700 минг аҳоли меҳнат бозорига кириб келади. Шунингдек, олий таълим билан камров ҳам йилдан йилга ошиб бормоқда. Бу ҳам бандлик борасида самарадор механизмларни ишлаб чиқишни тақозо этади.

2022-2026 йилларда Ўзбекистон Республикасининг инновацион ривожланиш стратегиясида Глобал инновацион индекс рейтингига Ўзбекистоннинг ўрнини 86-ўриндан 2026 йилга 56-ўринга, ташқи бозорларга умумий экспортда юқори технологияли маҳсулотлар улшини 2,1 фоиздан 6 фоизга, тадқиқотлар ва ишланмалар учун ялпи харажатларни 0,15 фоиздан 0,24 фоизга олиб чиқиш, интеллектуал мулкдан келадиган тушумни кўпайтириш каби муҳим вазифалар бор.

XXI аср технологиялар жиҳатидан тезкор ўзгаришлар даври бўлиб бормоқда. Бугунги ангиллик эртага эскириб қолиши ҳеч гап эмас. Мунтазам янгиланаётган технологиялар янги бизнес ва янги касбларга йўл очмоқда. Билим ана шу ўринларни тўлдиришда катта аҳамият касб этади.

Эгарчилик сабаб Новқа қишлоғининг номи бутун Марказий Осиёдаги от ишқибозларига танилди, десак муболага бўлмайди. Эгар баҳонасида қишлоққа тез-тез Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистондан чавандозлар келиб туради. Улар эгар харид қилиш баробарида қишлоқнинг бетакрор табииатидан, меҳмондўст халқининг самимий илтифотидан, миллий таомларидан баҳраманд бўлади. Ўз юртига қайтгач, Новқанинг қўлигил хунармандлари, меҳмондўст аҳолиси, қишлоқнинг бетакрор табииоти ҳақида гапириб беради. Бу, ўз навбатида, Новқага сайёҳлар оқими кўпайишига, Марказий Осиё халқлари дўстлигини янада мустақкамлашга хизмат қилмоқда.

Шундан бўлса керак, мустақиллигимизнинг 33 йиллик тантаналари арафасида Президентимиз фармонига биноан қишлоқнинг эгарчи хунармандларидан бири — Сапарбой Қурбонов “Дўстлик” ордени билан тақдирланди.



ларини ўрганди. 1992 йилдан бери мустақил ҳунармандлик билан шуғулланиб келади. Бу борада 40 йилдан зиёд тажрибаси бор. Қизиқиши ва тиришқоқлиги, туғанмас сабри туфайли уста эгарчи бўлиб танилди.

— Бугун ғилофли ва тери қопланган эгарларга талаб юқори. Қозоғистон,

Тошойна

Тўй... Ўзбекнинг азалий орзуси. “Топганинг тўйларга буюрсин”, дейди халқимиз. Яқинда қўшним ўғлини уйлантирди. Ота-ўғил роппа-роса тўрт йил хорижда ишлаб, йиққан-терганини бир кунда сарфлади. Топгани тўйга буюрди. Аввалроқ яна бир танишим уйланди. Ҳавас қилса арзигулик тўй бўлди ўзим. Кейин билсак, каттагина қарз олган. Топгани ва ҳозир топаётгани тўйга буюрди.

Соғлом ақл билан қарасак, бунақа дабада кимга керак? Ким учун қилинади? Бор бўлса, яхши. Бўлмаса-чи?..

Албатта, бўлмаса ҳам уйланиш керак, қиз узатиш, хатна ёки бешик тўй қилиш керак. Қилганда ҳам етти маҳалла билиши шарт. Одамларнинг гап-сўзи бор ахир. Пул йўқ, дейсизми? Ўзбекчилигимиздан айланай, меҳр-оқибат ўлмаган. Қариндош-уруғдан, таниш-билишдан қарз олиш керак. Жуда бўлмаса, ана, банк бор, муҳими, беминнат.

Киноа қилиб айтилган бу сўзлар замирида ҳақиқат борлигини афро-мухитдан хабари бор одам тез илғайди.

Сўнгги вақтларда кредит олиб тўй қилиш анъанаси анча оммалашди. Банклар ҳам аввалгидек эмас, рақобат бор. Миқоз талабидан келиб чиқиб таклиф берапти. Биргина паспорт ва пластик карта орқали ортиқча шартларсиз исталган суммангизни оласиз. Бир қарашда анча қулай ва ишончликдек. Бироқ биздаги тўй вазвасаси ҳамда банклардаги баланд фоизли кредитлар тўйдан кейин келин ва куёв молиявий қийинчиликларга дуч келишига, бу эса ёш оила дарз кетишига олиб келади. Тававвур уйғониши учун юртимиздаги баъзи банкларнинг истеъмол кредитларини кўриб чиқамиз:

ИЛТИМОС, ТОПГАНИМИЗНИ ФАҚАТ ТЎЙГА САРФЛАМАЙЛИК

(Фельетон)

— “Туронбанк” — 29 фоиз, 1-3 йилга 99 миллионгача;
— “Ҳамкорбанк” — 32-36 фоиз, 3 йилга 66 миллионгача;
— “Ипак йўли” банки — 27,99 фоиз, 1-3 йилга 200 миллионгача;
— “Анобанк” — йиллик 34 фоиздан 52 фоизгача, 36 ойга 100 миллионгача.

Ўзбекнинг ўртача тўйига 100 миллион афрофида пул кетади. Бу пул тўйхона, озиқ-овқат, санъаткорлар, уй таъмири, тўйдан олдин ва кейинги майда харажатлар учун. Келин-куёв сарпосино қариндош-уруғ учун олинадиган совға-саломга ҳам шунинг тенг ярми кетиб қолади. Энди тасаввур қилайлик, 1 йил муддатга 30 фоизли 100 миллион сўм кредит олдингиз. Бу дегани, тўйдан кейин 1 йил давомида ҳар ой шахсий харажатларингиздан ташқари қарийб 11 миллион даромад топишингиз ва бу пулни шунчаки банкка бериб юборишингиз керак.

Хўш, бугун ўзбекистонликлар ўртача қанча ойлик олади?

Статистика агентлиги маълумотларига кўра, 2024 йилнинг биринчи чорагида Ўзбекистонда ўртача ойлик иш ҳақи 19,8 фоиз ўсиб, 4 миллион 920 минг сўмни ташкил этди. Ўртача ойлик иш ҳақини ҳисоблашда жами 3 миллион 91 минг 950 ҳодим маълумотларидан фойдаланилган. Ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи таркибига қўшимча тўловлар, мукофот пуллари, рағбатлантирувчи тўловлар, компенсация ва ишламаган вақти учун тўловлар, шунингдек, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ва касаба уюшмасига ажратмалар кирди.

Демак, юқорида айтганим — тўй учун олинган 100 миллион сўм кредит ҳар қандай даромади яхши одамнинг ҳам “белини букиб” қўяди. Мазкур мақолани ёзиш

жараёнида ана шундай “бели букилган” ҳамюртимиз билан суҳбатлашдик. Келинг, яхшиши, унинг ҳикоясини ўз тилидан эшитайлик.

“Самарқандда яшайман. Биласиз, бизда тўйлар жуда катта дабада билан ўтказилади. Одамлар орасида расм-русумдан тортиб, санъаткорлар сони ва машҳурлик даражасига кўринмас рақобат бор. Ҳамма бир-бирдан ўтай дейди. Бўлмаса, танишлар орасида гап-сўз бўлиб кетишингиз ҳеч гап эмас. 2023 йил бошида уйландим. Давлат ишида ишлайман. Ойлигим харажатларимга кетади, йиғиш имконсиз. Таваккал қилиб, банкдан 200 миллионча кредит олдик. Қариндошлар кўмаги ва ўзимиздаги озроқ пул билан тўйни зўр ўтказдик. Ҳаммаси кейин бошланди. Мен ҳам, аёлим ҳам ишлаймиз. Кредитни ёпиш учун кечки сменада қўшимча иш олишга мажбур бўлдим. Баъзи ойлар шунда ҳам еткази олмасдик. Қарз олиб кредит ёпган вақтларимиз бўлди. Шу зайдда биринчи фарзандим туғилди ҳамки тўй учун олган қарзларимдан қутулолмадим. Шукрки, яна бир неча ойдан кейин батамом узамиз. Насиб этса, бошқа кредит олиш ниятимиз йўқ. Жуда муҳтож бўлсангиз, 10, 20, 30 миллионгача олишингиз мумкин. Лекин катта қарз олишдан олдин уни қайтарганини ҳам ўйланг”, дейди исмини сир сақлашни истаган суҳбатдошимиз.

Иқтисодчи профессор Барногул Санақулованинг бу борадаги фикрлари ҳам эътиборимизни тортди.

“Кредит олишдан мақсад — қандайдир бизнес бошлаш ва ўша кредитга олинган суммадан бир неча баробар кўпроқ даромад топиш. Аниқроқ айтганда, бунда моддий ёки маънавий манфат бўлиши керак. Сиз кредитга бирор китоб сотиб оласиз,



ундан олган билимингиз қачондир сизга даромад ёки обрў келтиришига ишонасиз. Бироқ тўй учун олинган кредит ҳақида бундай деб бўлмайди”, дейди профессор.

Яқинда касбимиз тақозоси билан кунлик ишчилар бозоридида аёллар билан суҳбатлашдик. Афсуски, ишчилар орасида 6-7 ойлик ҳомиладорлар ҳам, тўй бўлганда 10 кундан ошмаган келинчақлар ҳам бор. Ҳа, меҳнатнинг айби йўқ, бироқ қандай сабаб эканки, ҳали чилласи чиқмаган келинни мардикорликка мажбур қилган? Маълум бўлишича, куёв тўй учун банкдан кредит олган. Уни узиш учун ўзи чет давлатга кетган, келин эса мардикор бозорга. Бу мақолани ёзишимга ҳам айни шу воқеа сабаб бўлди.

Ўз-ўзидан маълум бўладики, тўй учун кредит олмаслигининг учта асосий сабаби бор. Биринчидан, тўй учун харажат — қайтмайдиган маблағ.

Сиз уй, машина ёки шунга ўхшаш кўчмас мулк учун кредит олишингиз мумкин. Қандайдир сабаб билан тўлов қобилиятингиз тушиб кетса, шахсий мулкнингизни сотиб, кредитнинг катта қисmini тўлай оласиз. Бироқ тўй учун олинган кредитда бу имконсиз.

Иккинчидан, тўй сизни бой қилмайди.

ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-KODНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

